

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

Ўзбекистонда sogʻliqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган • www.uzssgtz.uz, info@uzssgtz.uz • 2013 йил 9 ноябрь • № 45 (962)

СИФАТЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ

тизимда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард мақсадидир

Дейдиларки, бу дунёда Яратганимиз томонидан ато этилган иккита касб бор: биринчиси – ўқитувчилик, иккинчиси – шифокорликдир. Ўзининг олижаноб касбига содиқ шифокор ҳар куни энг яхши инсоний фазилатларни намоён этиб, барчамизга олий инсонпарварлик мақсадларига холис хизмат қилишнинг ёрқин намунасини кўрсатади.

Ислом КАРИМОВ.



Тиббиёт тизимидаги ислохотлар мустақил Ўзбекистон сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки, бугунги кунда ҳар қайси халқ, давлат ва жамиятнинг ривожланиш омили инсон, унинг соғлиғи ва турмуш даражасига бераётган эътибори, шу йўлдаги саъй-ҳаракати билан ўлчаниши барчамизга кундек равшан. Эл соғлиғи йўлида қилинадиган ишлар нечоғлик муҳим ва долзарб эканлиги Президентимизнинг “Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади”, деган сўзларида ҳам ёрқин акс этган.

Ана шу эзгу мақсадда қабул қилинган Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастурини амалга ошириш жараёнида, айниқса, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифати ва самардорлигини тубдан юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник

базасини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш ҳамда даволашнинг илғор технология ва янги услубларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, соғлиқни сақлаш соҳасини ислох қилиш Давлат дастури ҳамда унинг мантиқий давоми бўлган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар

мамлакатимиз тиббиёт тизимини модернизациялаш, сифат жиҳатдан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ва вилоятлар шошилич тиббий ёрдам ва бошқа ўнлаб турли йўналишларга ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларининг мукамал тармоғини яратишда муҳим қадамлардан бири бўлди. Бугун мазкур тарихий дастурларнинг илк натижа ва самаралари нафақат юртимиз аҳли, балки жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Ана шундай ишларимиз қаторида юртимиздаги ҳар бир ота-она, бутун халқимизнинг эзгу орзуси бўлмиш ҳар томонлама соғлом наслни вояга етказишда

“Соғлом она – соғлом бола” дастури доирасида барча ҳудудларимизда биз учун мутлақо янги бўлган перинатал ва скрининг ҳамда репродуктив саломатлик марказларининг замонавий тизими яратилганлиги соҳа ривожига алоҳида ёрқин саҳифа бўлди.

Шу ўринда мамлакатимизда тиббиёт соҳасида ўтказилаётган изчил ислохотларнинг миқёси ва кўлами, даражаси ва моҳиятини тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни айтиш жоиз. 2013 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар туғилиши 63 фоиздан ошди. Дунёнинг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 70-72 фоизни ташкил этишини инобатга олсак, юртимизда бу борада юксак ўсиш

суръатларига эришилаётганлигига амин бўламиз.

Яна бир муҳим натижа шундан иборатки, болаларнинг ирсий хасталиклар ва нуқсонли туғилиш хавфи 2000 йилдаги нисбатан жорий йилда 14 фоиз камайганлигида намоён бўлди. Ёки 92 фоиз ўғил-қизларимизнинг вазни ва бўйига доир кўрсаткичлари Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига тўлиқ мос келаяётганлиги эса янада қувончлидир.

Мамлакатимизда болаларни ўз вақтида эмлашнинг мукамал тақвими ишлаб чиқилган. Шунга асосан, бугунги кунда юртимизда болаларнинг 98 фоиздан ортиғи олдини олиш

(Давоми 2-бетда).

ЭЪТИРОФГА МУНОСИБ

Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш ишида ўзини кўрсатган, етарлича иш тажрибасига ва касб малакасига эга бўлган,

ўз фаолиятида юқори натижаларга эришган соғлиқни сақлаш ходимларидан бир гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2013 йил 6 ноябрдаги 455-

сонли буйруғига асосан “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочилиги” кўкрак нишони билан тақдирланди.

(Ушбу буйруқнинг тўлиқ матни билан 3-4-саҳифаларда танишасиз).

КАСБИНГИЗ НАҚАДАР БУЮК, МУҚАДДАС

Оқ халат сиз учун кундалик либос,
Касбингизга қўйибсиз бунчалар ихлос.
Дилларда уйғотар ҳавас, эҳтирос,
Меҳр-мурувватингиз гўзал, шифокор.
Гоҳида туну кун ололмайсиз дам,
Дардманлар дардига бўлай деб малҳам.
Юртдошлар бахти бўлинг, ёнинг мисли шам,
Кўёшдек меҳр нурингиз кулсин, шифокор.



мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда. Бунинг натижасида полиомиелит, чақалоқлар қоқшоли, дифтерия, қизамиқ каби касалликларга чалиниш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди. Қатор юқумли касалликлар билан оғриш ҳолатлари кескин камайди.

“Ўзбекистонда ҳатто глобал инқирозлар даврида ҳам аҳолининг саломатлик кўрсаткичлари муттасил ошиб, умр кўриш давомийлиги юксалмоқда. Ўзбекистон бу билан ҳақли равишда фахрланса арзийди”, дейилади Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

лиш ва реконструкция ишлари якунланди. Демак, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган даволаш муассасалари халқимиз хизматида бўлади.

Дарҳақиқат, шундай. Гувоҳ бўлганимиздек, юртимизда инсон соғлиғи йўлида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, бизга алоҳида ифтихор бағишлайдиган яна бир жиҳат, бу – дунёда энг ноёб ва мураккаб жарроҳлик амалиётларининг ўзбек шифокорлари томонидан муваффақиятли ўтказилаётганидир.

Уч йилдирки, Ҳамза туманида яшовчи Иброҳим Одиллов юрак



Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар, чунончи, шошилинч тиббий ёрдам марказлари ва республика ихтисослаштирилган марказларини ташкил этишга оид ишлар улкан тарихий аҳамиятга эга. Аслини олганда, Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан амалга оширилаётган ушбу хайрли ишлар миллатни соғломлаштириш гоёсининг асосини ташкил қилади.

СИФАТЛИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТИББИЙ ХИЗМАТ

ТИЗИМДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОХОТЛАРНИНГ ПИРОВАРД МАҚСАДИДИР

Бош директори Маргарет Ченнинг пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она – соғлом бола” мавзусидаги бўлиб ўтган халқаро симпозиум очилиш маросимидаги нутқида. Албатта, бу ҳолис эътирофда ҳам қудратли мезон бор.

Очиғи, бу эътирофдан қайси одамнинг дили яйрамайди, дейсиз. Ахир фарзанд соғлиғи, унинг ҳар томонлама баркамоллигидан ҳам олийроқ бахт борми? Юртимизда мутлақ соғлом болалар туғилаётгани эртаими янада ёруғ бўлишидан далолат эмасми? Фарзандларимизнинг ана шундай бенқсон ўсиб-улғайишлари, қолаверса, юртимизда ўртача умр кўриш даражасининг йилдан-йилга ошиб бораётганлиги бу халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб, турмуш даражаси яхшиланиб бораётганидан далолатдир.

Табиийки, бу мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилган улкан ишларнинг бир қисми, ҳолис. Бунга қўшимча қилиб, соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида ажратилаётган давлат бюджети маблағлари йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигини эслаш ўринлидир. Агар ўтган йил соҳа ривожини учун давлат бюджетидан 2,8 триллион сўм маблағ ажратилган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 3,4 триллион сўмга етди.

– Обод турмушнинг муҳим шартларидан бири бу инсон саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашдир, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқарма бошлиғи Фаррух Шарипов. – Ўз поёнига етаётган йилда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун давлат бюджети ҳисобидан шу йилнинг ўзига 311 миллиард сўмлик қури-

(Давоми. Боши 1-бетда).



хасталигидан азият чекарди. Аҳволи оғирлашавергач, яқинлари беморни хорижда даволашга қарор қилишди. Аммо Иброҳим ака бунга кўнмади. Кўкси-

бежиз эмас экан. Барака топишин, қўллари дард кўрмасин, дейман. Ахир бегона юртда миллионлаб маблағ эвазига қилинадиган шундай нозик, ноёб ва мураккаб давони ўзимизнинг мутахассислар бепул амалга оширишди. Мана, операциядан чиққангиз ҳам бир ойга яқинлашяпти. Ўзимни анча тетик

ҳис этаяман.

даги бир парча жон нотекис ишлаётган, меъёридан тез уриб, уни азоблаётган бўлса-да, аллақандай умидбахш куч сабаб оғриққа дош берди.

– Бу умид мени даволаётган Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази шифокорларининг ширин сўзи, соғайишимга бўлган ишончлари туйфайли эди, – дейди Иброҳим Одиллов. – Шу ишонч мадад бериб, жарроҳлик столига ётдим. Биласизми, тигсиз йўл билан, кўкрак қафасимни очмасдан туриб, мени юрак аритмиясидан халос қилишди. Кўриб турганингиздек, хорижга бориб даволанишга оёғим тортмагани

Иброҳим ака сингари кўплаб хаста диллар дардига даво топилганлиги худди мўъжизадек, кишини лол қолдиради. Ҳали ҳаётнинг ширин орзуларидан умид узмаган, мудом яшашга талпинган бемажол вужудни меҳри, ўзига бўлган ишончи ва билими ёрдамида асраб қололган шифокорларимиз эришаётган бу муваффақият, чиндан таҳсинга лойиқ. Зеро, бу Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз тиббиётининг жаҳон андозалари даражасида юксак шарт-шароит ва имкониятлар билан таъминланганлиги натижасидир.

тиёр Фафуров. – Бугун шуни чексиз фахр ва ифтихор билан айтишим мумкинки, мустақиллик йилларида мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатиш тизими амалда тўлиқ қайта кўриб чиқилганлиги соҳада ҳавас қилса арзиғулик муваффақиятларга эришишимизни таъминлади. Президентимизнинг гамхўрлиги ва эътибори туйфайли шифокорлик улуг мартаба, юксак эҳтиромга сазовор касбга айланди. Бундан зиёд кадр ва эъзоз ҳеч бир замонда бўлмаган.

Ҳақиқатан ҳам, биз истиқлол шарофати билан давлатимиз раҳбарининг халқимиз соғлиғини янада мустаҳкамлашга бўлган чексиз эътибори, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар туйфайли ана шундай имкониятга эга бўлди. Бинобарин, 2006 йил 12 сентябрь куни Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси тиббиёт хо-

Эртанги кун ворисларининг баркамоллиги, халқимиз соғлиғини янада мустаҳкамлаш тиббиёт соҳасидаги ислохотларнинг асл мақсадидир. Бундай устувор вазифаларнинг бажарилиши мамлакатимиздаги 72 минг нафардан зиёд шифокор, 310 минг нафардан ортиқ ўрта махсус тиббиёт ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

– Бундан салкам қирқ уч йил муқаддам оддийгина шифоҳонада фаолият бошлаган эдим. У пайтлар шифокорнинг бундай замонавий шарт-шароитлар асосида, имтиёзу эътибордан баҳраманд ҳолда жўшиб, илҳомланиб ишлаши қаёқда эди, – дейди “Эл юрт хурмати” ордени соҳиби, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош невропатологи Бах-

димлари кунини белгилаш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи яқшанбаси тиббиёт ходимлари кунини сифатида нишонланиши дунёдаги энг улуг ва шарафли касб эгаси бўлган фидойи шифокорларнинг машаққатли меҳнати қадр эъзозга муносиб эканлигининг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, яратилаётган бундай имкониятлар, юртимизда инсон саломатлигини асрашга бўлган эътибор ва чексиз гамхўрлик оқ халатли халоскорларни ҳамisha фидойиликка ундайверади.

Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, “Ўзининг олижаноб касбига содиқ шифокор ҳар кунинг энг яхши инсоний фазилатларини намоён этиб, барчамизга олий инсонпарварлик мақсадларига ҳолис хизмат қилишнинг ёрқин намунасини кўрсатади”.

Фурқат САНАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Ахборот маркази раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ

Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соғлиқни сақлаш ходимларидан бир гуруҳини “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида

Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан аҳоли соғлигини мустақамлаш ишида ўзини кўрсатган, етарлича иш тажрибасига ва касб малакасига эга бўлган, ўз фаолиятида юқори натижаларга эришганлари учун

БУЮРАМАН:

Куйидагилар “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан мукофотлансин:

1. Сейтаниязов Азат Орынбаевич – П. Суёнов номидаги Республика суд тиббий экспертиза бюроси бўлими мудир
2. Досимов Юлдашбай Байменович – Мўйноқ туман тиббиёт бирлашмаси амбулатор поликлиника ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари
3. Казаков Раманберди Абдуллаевич – Эллиқалъа туман тиббиёт бирлашмаси шошилич тиббий ёрдам бўлими шифокори
4. Ешмуратов Кунгратбай – У. Халмуратов номидаги Республика кўп тармоқли тиббиёт маркази шифокори
5. Аметов Розумбай – Тўртқўл туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли поликлиника шифокори
6. Узаков Абдиқарим Ибрагимович – Қорақалпоғистон Республикаси болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази хирургия бўлими мудир
7. Абдусултоев Бибикуль Ажмуратовна – Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Нукус филиали шифокори
8. Ҳақимов Валихан Алиханович – Андижон вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
9. Джумабаев Эркин Саткулович – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали директори
10. Ҳақимова Насидахон Нусратиллаевна – Булоқбоши туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиника шифокори
11. Саткинов Абиджон – Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси болалар шифохонаси бўлим мудир
12. Назаров Асилбек Маликович – Балиқчи туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиника шифокори
13. Мирзакаримов Алишер Абдуллахатович – Қўрғонтепа туман тиббиёт бирлашмаси бўлим мудир
14. Мамадалиев Аҳмадали Умаралиевич – Андижон вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори
15. Мамажонов Бакиржон Дадажонович – Қорасув шаҳар тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиника шифокори
16. Жаббарова Мавлудaxon – Шахрихон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиника шифокори
17. Сатторова Олтиной
- Абдирахимовна – Олот туман тиббиёт бирлашмаси “Қумқашон” қишлоқ врачлик пункти мудир
18. Примов Умар Хайдаркулович – Бухоро вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонаси ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими мудир
19. Пардаева Дилбар Ҳасановна – Қоровулбозор туман тиббиёт бирлашмаси “Бўзачи” қишлоқ врачлик пункти мудир
20. Ҳикматов Шавкат Исмаилович – Пешку туман тиббиёт бирлашмаси “Пешку” қишлоқ врачлик пункти мудир
21. Тулаева Насиба Чарыевна – Бухоро вилоят “Болалар уйи” тарбиячиси
22. Тўраева Майрам Рўзиниязовна – Бухоро вилоят саломатликни тиклаш шифохонаси ҳамшираси
23. Раҳимов Ҳамза Азимович – Бухоро вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ўта хавфли юқумли касалликлар бўлими врач
24. Бобоев Пўлат Темирович – Жиззах вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
25. Эгамбердиева Назокат Хидировна – Жиззах вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази шифокори
26. Шодиева Зулхумор Турсуновна – Зомин туман тиббиёт бирлашмаси “Туркман” қишлоқ врачлик пункти шифокори
27. Очилов Ваҳоб – Жиззах вилоят кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори
28. Тўхтаева Мукарам Ҳайтбаевна – Зарбдор туман тиббиёт бирлашмаси шифокори
29. Умаров Мамарасул Дўсмаатович – Дўстлик тиббиёт коллежи директори
30. Ганиев Зоҳир Тахирович – Республика ихтисослашган кардиология маркази Қарши филиали реанимация бўлими бошлиғи
31. Юлдашев Рустам Шавкатович – Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
32. Курбонова Мавлуда Маҳкамона – Республика ихтисослашган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали Репродуктив саломатлик бўлим бошлиғи
33. Музафаров Равиль Камалович – Қашқадарё вилоят Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бўлим бошлиғи
34. Норкулова Мавлюда Алиевна – Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича ўринбосари

35. Ҳайитова Рашида Оминовна – Қашқадарё вилоят саломатликни тиклаш шифохонаси бош ҳамшираси
36. Сайфиева Сурайё Ҳасановна – Қашқадарё вилоят тиббий диагностика маркази шифокори
37. Обякулова Зияда Джураевна – Қашқадарё вилоят она ва бола скрининг маркази бош шифокори
38. Цой Джемма Борисовна – Қашқадарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамшираси
39. Ачилова Салима Ибрагимовна – Қарши шаҳар туғруқ комплекси бош шифокори
40. Рустамова Лутфия Арабовна – Навоий вилоят Она ва бола скрининг маркази директори
41. Нормуродов Барот Бўриевич – Навоий вилоят қон куйиш станцияси бош шифокори
42. Бобоқулов Бахтиёр – Навбахор туман тиббиёт бирлашмаси “Кескантерак” қишлоқ врачлик пункти шифокори
43. Элмуродова Мехринисо Айдиновна – Хатирчи туман тиббиёт бирлашмаси “И.Лочинов” қишлоқ врачлик пункти шифокори
44. Курбонов Фарҳод Абсаломович – Навоий вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори
45. Қирғизбоев Неъматилла Жўрабоевич – Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
46. Абдуллаев Содикжон Маҳмудович – Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази шифокори
47. Умарова Замирахон Абдурахмоновна – Чортоқ туман тиббиёт бирлашмаси “Короскон” қишлоқ врачлик пункти мудир
48. Болтибоев Комилжон Атаханович – Уйчи туман тиббиёт бирлашмасига қарашли юқумли касалликлар шифохонаси шифокори
49. Раҳимов Бахтиёр Абдуллаевич – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиали қон-томир жарроҳлиги бўлими мудир
50. Мирзаев Иномжон Иброҳимович – Республика саломатлик ва тиббий статистика институти Наманган филиали фельдшер статисти
51. Сиддиқов Бахриддин Фазлитдинович – Назорат инспекцияси Наманган вилояти бўйича бошлиғи
52. Обидов Муса Алиевич – Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўлим мудир
53. Хонхўжаев Пулод Султонович – Самарқанд туман тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими мудир
54. Йигитов Акмал Ўктамович – Самарқанд вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бўлим

бошлиғи

55. Халилов Азим Тешаевич – Самарқанд вилоят ўсмирлар диспансери шифокори
56. Расулова Ҳусния Зираковна – Оқдарё туман тиббиёт бирлашмаси шошилич тез тиббий ёрдам бўлим катта ҳамшираси
57. Умарова Марҳабо Мардоновна – Пайариқ туман тиббиёт бирлашмаси бўлим мудир
58. Холмуродов Музаффар – Нарпай туман тиббиёт бирлашмаси шошилич тиббий ёрдам бўлим шифокори
59. Тешаева Мавлуда Тошпўлатовна – Иштихон туман тиббиёт бирлашмаси шифокори
60. Мусулмонова Мунавар Эргашовна – Гулистон туман тиббиёт бирлашмаси “Зарбдор” қишлоқ врачлик пункти мудир
61. Расулбердиев Абдумажит Сафарович – Сирдарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология бўлим мудир
62. Джураева Манзура Набиевна – Сирдарё вилоят юқумли касалликлар шифохонаси болалар бўлими мудир
63. Салиев Тулан Аскарочович – Сардоба туман тиббиёт бирлашмаси шошилич тиббий ёрдам бўлими мудир
64. Назаров Улугбек Холмуратович – Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилоят филиали иккинчи хирургия бўлими болалар хирург
65. Абдураззакова Шахида Абдувалиевна – Сирдарё туман тиббиёт бирлашмаси акушерлик комплекси бўлим мудир
66. Қўчқоров Алишер Аллаярович – Сурхондарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
67. Азизов Муратали Баратович – Денов туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиника шифокори
68. Нормўминов Абдисалим Эшбоевич – Музработ туман тиббиёт бирлашмаси “Навбахор” қишлоқ врачлик пункти фельдшер
69. Ниёзов Абдунаби Алишерович – Қумқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси шифокори
70. Бойқобилова Онархол Абдиевна – Термиз туман тиббиёт бирлашмаси “Мангузар” қишлоқ врачлик пункти мудир
71. Шоймардонов Асатулло Турдиевич – Сариев туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази санитария шифокор ёрдамчиси
72. Авезова Ирина Ачиловна – Сурхондарё вилоят онкология диспансери шифокори
73. Хайдаров Эгамберди Ханкелдиевич – Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази режали хирургия бўлими мудир
74. Сарманов Ғофир Икрамович – Бўстонлик туман тиббиёт бирлашмаси шошилич тез тиб-

- бий ёрдам бўлими шифокори
75. Улиходжаев Абдукарим Маннапович – Ўрта Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси шифокори
76. Кудайкулова Гулнора Байдаковна – Юқори Чирчиқ туман тиббиёт бирлашмаси “Жумабозор” қишлоқ врачлик пункти мудир
77. Арипова Мутабар Раҳматовна – Бўка туман марказий шифохонаси гинекология бўлими мудир
78. Раҳимова Шаҳодат Таштанбаевна – Янгийўл туман тиббиёт бирлашмаси терапия бўлими мудир
79. Суннатов Джалил – Зангиота туман тиббиёт бирлашмаси лаборатория бўлими мудир
80. Имомов Олимжон Курбонович – Бувайда туман тиббиёт бирлашмаси бўлим мудир
81. Раҳимова Насиба Ганиевна – Бешариқ туман тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлими шифокори
82. Хомидов Раҳмонберди Сабзаводович – Фарғона туман тиббиёт бирлашмаси юқумли касалликлар бўлим бошлиғи
83. Нурматов Ғайратжон Ашуралиевич – Сўх туман марказий шифохонаси хирургия бўлими мудир
84. Жикина Анифе Мустафаевна – Фарғона вилоят урология маркази бош ҳамшираси
85. Исломов Исмоил Маҳмадович – Олтиариқ туман тиббиёт бирлашмаси Қизилтепа физиотерапия шифохонаси шифокори
86. Каримов Куддусжон Абдухаттович – Фарғона вилоят руҳий касалликлар шифохонаси бош шифокори
87. Абдуалимов Қодиржон Абдухалилович – Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази хирургия бўлими хирург
88. Абдуллаев Шавкат Турғунович – Фарғона вилоят доимий тиббий назорат қақирув комиссияси катта врач
89. Сағиров Анвар Митхатович – Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази Хоразм филиали директори
90. Рузметов Курбаназар Рузимович – Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари
91. Аллакулов Ислон Мадримович – Хоразм вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази реанимация бўлими мудир
92. Муротов Раматжон Собирович – Янгиариқ туман тиббиёт бирлашмасига қарашли “Остона” ҚВП мудир
93. Юсупова Улликун Курбанбаевна – Гурлан туман тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси (Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг БУЙРУҒИ

Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан соғлиқни сақлаш ходимларидан бир гуруҳини “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида

94. **Мамаджанов Бахтиёр Обидович** – Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи
95. **Муратова Халида** – Чилонзор туман 2-тери-таносил касалликлари диспансери бош шифокор муовини
96. **Кенджаева Гульнора Равшановна** – Тошкент шаҳар 5-сон клиник шифохонаси бош шифокори
97. **Касимов Саидакбар-ходжа Акилович** – Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси бўлим мудир
98. **Нурматова Дилором Абдусаломовна** – Тошкент шаҳар 1-сон болалар клиник шифохонаси бўлим мудир
99. **Ибрагимова Феруза Ашировна** – Тошкент шаҳар 5-сон болалар клиник шифохонаси шифокори
100. **Мирсаидова Карима Акбаровна** – Тошкент шаҳар болалар сил касалликлари шифохонаси катта ҳамшираси
101. **Лутфуллаева Умида Батировна** – Тошкент шаҳар болалар сил касалликлари шифохонаси бўлим бошлиғи
102. **Розметова Нигора Курбановна** – Юнусобод туман 56-оилавий поликлиника шифокори
103. **Алиходжаев Равшан Саидазимович** – Назорат инспекцияси Тошкент шаҳри бўйича бошлиғи
104. **Агафонова Ольга Васильевна** – Ҳамза туман 30-оилавий поликлиника шифокори
105. **Гулямов Рустам Омонвич** – Тошкент шаҳар 3-сон болалар юқумли касалликлар клиник шифохонаси бош шифокори
106. **Рашидходжаев Жасур Юлдашев** – Ҳамза туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи
107. **Саатов Алишер Рамазанович** – Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонасининг бош врач
108. **Пахомова Жанна Евгеньевна** – Тошкент шаҳар 6-туғруқ комплекси бош шифокори
109. **Шарипов Фаррух Раҳимович** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги моддий-техник базани ривожлантириш Бош бошқармаси бошлиғи
110. **Одилова Барно Турсуновна** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш-профилактика ёрдамни ташкиллаштириш Бош бошқармаси мутахассиси
111. **Файзиёва Гулнора Абдужабборовна** – Республика болалар таянч-ҳаракат тизими касалликлари реабилитация маркази даволаш ишлари бўйича директор ўринбосари
112. **Худайбердиев Якубжан Кузибаевич** – Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти етакчи илмий ходими
113. **Аҳмаджонов Орифжон Неъматжонович** – Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти анестезиология ва реанимация бўлими мудир
114. **Абубакирова Алла Ильгизовна** – Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази рентгенхона мудир
115. **Ҳасанова Саида Собировна** – Республика перинатал маркази чақалоқлар неонатологияси бўйича директор ўринбосари
116. **Таджиева Зулфия Атавуллаевна** – Республика илмий ихтисослашган аллергология маркази шифокори
117. **Юсупова Диёра Илхомовна** – Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси лазер бўлими шифокори
118. **Аҳмедиев Махмуд Мансурович** – Республика нейрохирургия илмий маркази болалар нейрохирургияси бўлими мудир
119. **Кулманова Хадиша Жусуповна** – Республика наркологи маркази бош ҳамшираси
120. **Абдуллаев Акбар Ҳотамович** – Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази очик акциядорлик жамияти бош илмий ходими
121. **Алимухамедова Гулчехра Шоназаровна** – Марказий консультатив-диагностика поликлиникаси шифокори
122. **Касимов Улуғбек Куркмасович** – Республика йирингли жарроҳлик ва қандли диабет хасталиги жарроҳлик асоратлари маркази шифокори
123. **Исхакова Халида Илхамовна** – Тошкент врачлар малакасини ошириш институти “Микробиология” кафедраси профессори
124. **Расулов Комилжон Қуддусович** – Республика врачлик-жисмоний тарбия диспансери врачлик назорати бўлими шифокори
125. **Халилова Мавлуда Ҳасановна** – Республика 2-сон клиник шифохонаси дорихона мудир
126. **Абдурахимова Зулфия Аскарловна** – Республика 2-сон клиник шифохонаси радиология бўлими мудир
127. **Кадырова Гулнора Иркиновна** – Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси кардиология бўлими шифокори
128. **Садиков Рустам Анварович** – Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси неврология ва интенсив неврология бўлим шифокори
129. **Садыков Мурод Салимович** – Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари
130. **Пулатов Дониёр Анварович** – Республика онкология илмий маркази 1- ва 2-кимо-терапия бўлимлари илмий раҳбари
131. **Маҳмудова Зарифа Шукуровна** – Республика онкология илмий маркази тиббий статистика бўлими шифокори
132. **Юлдашев Комилджан Абдукаримович** – Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази грант лойиҳаси раҳбари
133. **Микиртичев Карен Джанович** – Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази бош шифокори
134. **Алпысбаев Хожаахмед Шайхисламович** – Республика болалар ортопедия маркази шифокори
135. **Алланазарова Зулфия Хазиевна** – Республика патологик анатомия маркази шифокори
136. **Файзуллаев Сагдулла Асадуллаевич** – Республика стоматология поликлиникаси бош шифокори
137. **Сирожиiddинов Шаҳобжон** – Республика Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бўлим мудир
138. **Адилова Матлюба Эркиновна** – Вирусология илмий-текшириш институти реанимация бўлими катта ҳамшираси
139. **Кадырова Зулхумор Шарифовна** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт санитария бирлашмасининг 1-сон марказий поликлиникаси даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари
140. **Маматқулов Халил Набиевич** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт санитария бирлашмаси ходимлар ва махсус ишлар бўйича сектор мудир
141. **Файзиёва Азада Каюмовна** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт санитария бирлашмасининг 2-марказий поликлиникаси бош ҳамшираси
142. **Расулова Санобар Валламовна** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт санитария бирлашмасига қарашли 1-марказий клиник шифохонаси терапия бўлими катта ҳамшираси
143. **Расказова Татьяна Юрьевна** – “Қибрай” клиник санаторийси кардиология бўлими мудир
144. **Садыкова Адиля Назруллаевна** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт санитария бирлашмасига қарашли 2-марказий клиник шифохонаси неврология бўлим мудир
145. **Шукуров Анвар Нажмиiddинович** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт санитария бирлашмасининг санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори
146. **Алимова Ольга Петровна** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт санитария бирлашмасига қарашли марказий хўжалик ҳисобидаги дорихона провизори
147. **Тухтаева Азиза Маджитовна** – Тошкент фармацевтика институти “Фармация” кафедраси доценти
148. **Якубов Воҳид Охунжонович** – Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали “Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар” кафедраси мудир
149. **Янгибаев Зариббай** – Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали “Факультет ва госпиталь-жарроҳлик” кафедраси профессори
150. **Агзамов Камол** – Самарқанд Давлат тиббиёт институти нормал анатомия ва оператив хирургия, топографик анатомия кафедраси доценти
151. **Мамасалиев Нематжон** – Андижон Давлат тиббиёт институти малака ошириш ва қайта тайёрлаш терапия факультети кафедраси мудир
152. **Хушваков Лукман** – 1-Республика клиник шифохонаси хирургия бўлим мудир
153. **Нурмухамедов Абдулхамит Абдулахадович** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси шифокори
154. **Тўхтасинова Дилором Сафоевна** – Республика тиббий таълимни ривожлантириш марказининг олий тиббий таълим бўлими бошлиғи
155. **Сейтназарова Айпарша Отебаевна** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали ўқув бўлими бошлиғи
156. **Рустамова Хадида Елемесовна** – Тошкент тиббиёт академияси олий маълумотли ҳамшира факультети декани
157. **Джаппарова Светлана Фердусовна** – У. К. Қурбанов номидаги болалар руҳий асаб касалликлари бўлим мудир
158. **Арипов Бахтиёржон Мамаджанович** – Андижон Давлат тиббиёт институти клиникаси сунъий буйрак бўлим мудир
159. **Мираҳмедов Миржалол Мирзаевич** – Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Хусусийлаштириш ва пуллик хизматни ташкил этиш маркази бўлим бошлиғи
160. **Ризаев Камал Саидакбарович** – Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директорнинг фан ва илмий масалалар бўйича муовини
161. **Тригулова Раиса Хусановна** – Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази юрак ишемик касаллиги лабораторияси етакчи илмий ходими
162. **Нигматова Мамура Сайитхановна** – Гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институти клиникаси бўлим мудир
163. **Абсадыкова Фариди** – Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази катта илмий ходими
164. **Камилова Наргиза Гайратовна** – Ўрта тиббиёт ва дорихона ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика маркази амалиёт ишлари бўйича директор ўринбосари
165. **Искендеров Абдибай Турдыбаевич** – Ўрта тиббиёт ва дорихона ходимлар малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика маркази Нукс филиали директор
166. **Ибрагимова Гулчехра Асадуллаевна** – Республика ихтисослаштирилган суяк йиринг хасталиги ва жароҳат оқибатларини даволаш маркази ҳамшираси
167. **Мағдалиев Алимджан Джаббарович** – Республика саломатлик ва тиббий статистика институти директор ўринбосари
168. **Шаджалилова Мукаррам Салимджановна** – Тошкент педиатрия тиббиёт институти “Эпидемиология ва юқумли касалликлар” кафедраси доценти
169. **Каримбердиев Бахриддин Исмаилов** – Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникасининг жарроҳлик ишлари бўйича бош шифокор муовини
170. **Джалилов Абдумалик Ахадович** – Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг “Амбулатория тиббиёти, нур ташҳиси ва терапияси” кафедраси доценти
171. **Ризаев Жасур Алимджанович** – Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси бош шифокори
172. **Дадажонов Шухрат Нурматович** – Тошкент тиббиёт академияси 1-клиникаси бош шифокори
173. **Каримова Деля Фахрутдиновна** – Тошкент врачлар малакасини ошириш институти профессори
174. **Зарединов Дамир Арифович** – Тошкент врачлар малакасини ошириш институти “Гигиена” кафедраси мудир
175. **Мухитдинова Тухтахон Кадыровна** – Андижон Давлат тиббиёт институти профессори
176. **Эшбоев Эгамберди Хусанович** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги Бош лепролога
177. **Нармухамедова Назира Азизовна** – Тошкент тиббиёт академияси УАШ қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси мудир
178. **Туйчиева Очақиз Усмановна** – Тошкент шаҳар 7-оилавий поликлиника бош врач ўринбосари
179. **Расулходжаева Захро Тураевна** – Тошкент шаҳар 39-оилавий поликлиника бош врач

Вазир

А. АЛИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2013 йил 6 ноябрь.

(Давоми. Боши 3-бетда).

Дил сўзи

«ЮРТИМИЗ ВА ЭЛИМИЗ УЧУН
ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ШАРАФ!»

дейди Давлат мукофотлари билан таъдирланган шифокорлар

Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йиллиги арафасида мамлакатимиз тиббиёт тармоқларида ўзининг ҳалол меҳнати, юртга садоқати, юксак касбий маҳоратини намойиш этиб келаётган бир гуруҳ шифокорлар Юртбошимиз фармониغا мувофиқ, нуфузли давлат мукофотларига сазовор бўлдилар. Бундай шараф, бундай шон нафақат унвон билан таъдирланган юртдошларимизни, балки улар билан бирга меҳнат қилаётган барча фуқароларни ибрат олишга ундайди.

Зулфия МАКСУДОВА,
Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам клиник шифохонаси «Шошилич кўз микрохирургияси ва жароҳати» бўлими мудири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими:

– Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилётган кенг қамровли ислохотлар замирида, албатта, инсон манфаатлари, унинг ҳақуқлари, эркинлиги ва саломатлигини асрашдек олий мақсад ётади. Бу йўлда эса оқ халат соҳибларининг чин маънодаги шижоатлари, масъулият ва билимдонликлари муҳим аҳамиятга эга, десак муболаға бўлмайди. Зеро, истиқлол берган имконият тўғрисида бугунги тиббиётимиз ривож тобора юксалиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш тизимида амал қилаётган оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллий модели, тиббиёт муассасаларини энг сўнги замонавий диагностика-даволаш асбоб-ускуналари, технологиялари билан жиҳозлаш, малакали ва етук тажрибага эга кадрлар захирасини шакллантириш, қўйинги, республикамизнинг энг чекка ҳудудларига қад ростлаётган кишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини бугун нафақат юртимиз фуқаролари, балки жаҳон ҳамжамияти ҳам юксак баҳоламоқда. Ўтган йигирма икки йил давомида кўлга киритилган улкан муваффақиятлар, тиббиёт ислохотлари йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ижтимоий лойиҳалар, "Саломатлик" ҳафталиклари, чуқурлаштирилган тиббий кўриклар – буларнинг барчаси халқимиз соғлигини мустаҳкамлаш йўлида қилинаётган эзгу ишларимизнинг амалий самарасидир.

Дарҳақиқат, мустақиллигимиз шарафати билан давлатимиз томонидан соҳа мутахассислари меҳнатига катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилиб, улар меҳнати қадрланмоқда. Шуниси қувончлики, Президентимиз томонидан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси шифокорлар байрами сифатида нишонланиши барчамизга янада куч ва ғайрат бағишламоқ-



да. Айниқса, тиббиёт ходимларининг астойдил хизматлари инobatга олиниб, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлаётганликлари ҳам соҳада эришилаётган ютуқларнинг яққол ифодасидир. Мустақиллигимизнинг 22 йиллиги арафасида барча ҳамкасбларим қатори мен ҳам Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» унвони билан таъдирландим. Камтарона хизматимга берилган бундай эътироф учун Президентимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишда савобли ишга ўз ҳаётини бахшида этаётган ҳамкасбларимни байрамлари билан қутлаб, оилавий хотиржамлик тилаб қоламан.

Зулфия ҲАКИМОВА,
Тошкент вилояти, Зангиота туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кишлоқ врачлик пункти мудири, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси:

– Ҳалол хизмат обрў-эътибор келтиради, деганлари шу бўлса керак. «Энг улуғ, энг азиз» байрам арафасида ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларим

қатори менга ҳам II даражали «Соғлом авлод учун» орденининг берилиши қалбимга бир олам қувонч бағишлади. Шогирдларим, ҳамкасбларимнинг табриги, энг яхши тилақларини қабул қилар эканман, беихтиёр тиббиёт соҳасини танлаб адашмаганимдан кўнглимда чексиз фахру гурур туйдим.

йилларида Юртбошимиз ташаббуслари ва раҳнамолигида аҳоли саломатлигини сақлаш билан кенг қамровли ишларнинг амалга оширилаётганлиги биз шифокорларни катта масъулият билан ишлашга ундайди.

Мен мудирлик қилаётган «Олтин соҳил» кишлоқ врачлик

хонлигини ошириб келмоқдамиз.

Менинг камтарона меҳнатимга берилган юксак мукофот аслида жамоамиз фаолиятининг давлат миқёсида кадрланишидир. Бу унвон аввало мени, қолаверса, кишлоқ врачлик пунктида меҳнат қилаётган жамоадорларимни янада унумли ишлашга, камчилик-нуқсонларимизни тuzатишга, ўз ишини такомиллаштиришга ундайди.

Шухрат РЎЗИКУЛОВ,
Термиз шаҳридаги болалар юқумли касалликлар шифохонаси реанимация бўлими мудири,

«Шухрат» медали соҳиб:

– Аввало, мени меҳнатларимни кадрлаб, «Шухрат» медалига муносиб кўрган давлатимиз раҳбарига ўз мамнунлигимни билдираман. Истиқлолимиз шарофати билан шифохонамиз тубдан ўзгариб, замонавий бинога эга бўлди. Сўнги русумдаги технологиялар билан жиҳозланди. Кадрлар масаласига катта эътибор қаратилиб, малака ошириш ва узлуксиз таълим жараёнлари йўлга қўйилди. Ундан ташқари, хорижий давлатларда бўлиб, тажриба алмашиш имкониятларига кенг йўл очилди. Шифо масканимизда меҳнат қилаётган ходимларимизнинг барчаси ўзларининг ҳалол меҳнати ва бой тажрибаси билан болалар саломатлигини муҳофаза қилишиб, саломатлик кўрсаткичини янада яхшилашга эришмоқдалар. Шифохонамиз асосан 120 ўринга мўлжалланган бўлиб, бемор болалар касаллик турига қараб даволаниб чиқишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Биохимия, бактериологик лабораториялар, дезинфекцияловчи камера, стериллаш пункти, 6 ўринга мўлжалланган реанимация ва интенсив даволаш бўлимлари мавжуд бўлиб, биринчи ёрдам ҳамда ўта хавfli юқумли касалликлар учун захира доридармонлар етарли.

«Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида шифохонамизга жорий йилда ультратовуш аппарати, анестезиология ларингоскопи, шприц насоси, ташхис қўйиш хусусиятига эга бўлган рақамли ультратовуш аппаратлари келтирилди. Бу ғамхўрликларнинг барчаси аҳоли саломатлигини сақлаш билан боғлиқ барча тадбирларни муваффақиятли бажаришимизни таъминлайди.

Хулқар КУЗМЕТОВА.

Олдинлари бундай шароит ва имкониятга эга бўлмаган тиббиёт муассасаларида иш олиб борар эдик. Эндиликда эса мустақиллигимиз шарафати билан янги типдаги кишлоқ врачлик пункти, замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган шинам ва озода хоналарда меҳнат қилаётганимиз касбимизга бўлган меҳр-иштиёқни янада оширмоқда. Айниқса, аҳоли ўша пайтларда бир неча чақирим босиб, туман ёки шаҳар марказига боришар эди. Бугунга келиб эса уларнинг узоғи яқин бўлиб, тиббиётга ва саломатлигига бўлган эътиборлари ошиб бормоқда. Буларнинг барчаси истиқлол берган имкониятдир. Туманнинг энг чекка кишлоғи халқига кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик, эътибор учун Президентимизга раҳматлар айтаман.

Ҳайитбой РЎЗМЕТОВ,
Хоразм вилояти, Хонқа туманидаги «Олтин соҳил» кишлоқ врачлик пункти мудири,

«Шухрат» медали соҳиб:
– Инсон саломатлигини сақлаш, унинг умрини узайтиришдан устун турувчи эзгу амал бўлмаса керак. Ана шу соҳада ишлаётганимга 20 йилдан ошди. Мамлакатимиз мустақиллиги

пунктида сўнги уч йил мобайнида 8390 нафар аҳолига тиббий хизмат кўрсатилган бўлса, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсмирлар саломатлигини назорат қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, туғиш (фертиль) ёшидаги аёллар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини мунтазам равишда олиб боришимиз натижасида туғруқлар орасидаги муддатни анча узайтиришга муваффақ бўлдик.

Кишлоқ врачлик пунктимизга қарашли 3 та маҳаллада 2013 йилнинг ўтган даври мобайнида барча фуқаролар «Саломатлик ҳафталиги»да тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказилди. Оила қуриш оstonасида турган йигит-қизларни тиббий кўриқдан ўтказиш жараёнига бош-қош бўлдик. 350 нафар келин-куёвни тегишли мутахассислар кўригидан ўтказишга йўлланма берилди.

Булардан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, таълим даргоҳлари, меҳнат жамоаларига бориб, «Оилавий ҳаётга тайёрланиш», «Ўсмирлар олами», «Исталамаган ҳомиладорликдан сақланиш», «Соғлом бола ва соғлом она» мавзуларида суҳбат уюштириб, фуқаролар тиббий савод-

Тиббиёт ходимларининг шарафли ва масъулиятли хизматини эъзозлаш, самарали фаолият юритиши учун зарур имкониятлар яратиш ва улар меҳнатини қўллаб-қувватлаш Президентимизнинг диққат-эътиборларида бўлиб, юксак қадрланмоқда.

Масъулиятли ва шарафли касб эгалари бўлган тиббиёт ходимлари бор экан, кўнглимиз хотиржам, оилаларимиз саломатлиги мустаҳкам, фарзандларимиз баркамол, юртимиз ҳам ободдир. Албатта, ҳар қандай эзгу ишнинг ортида халқимиз саломатлиги ва унинг манфаатлари ётар экан, бу жараёнда уларнинг меҳнатлари беқиёсдир.

Дил изҳори

Бахтимизга омон бўлинг

Яқинда кўзимни операция қилиш учун Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази шифокорларига мурожаат қилдим. Уларнинг хушмуомалиги, касбига садоқати, шунингдек марказнинг замонавийлиги, беморлар учун барча шароитларнинг мавжудлиги мени мамнун қилди. Ўзининг бой тажрибаси билан кўзларимга нур бахш этган марказнинг тажрибали хирург Дилшоджон Абдуназаровдан миннатдорман. Шу ўринда халқи-

миз учун ана шундай кенг имкониятлар яратиб бераётган Президентимизга чексиз мамнунлигимни билдираман.

Ўзларининг касб байрамларини нишонлаётган кўп сонли тиббиёт ходимларини чин қалбимдан муборакбод этаман. Қўлларингиз ҳеч қачон дард кўрмасин, бахтимизга омон бўлинг деб қоламан.

Тошмуҳаммад ҲОСАЛИЕВ,
Наманган вилояти.

Съезд

АНИҚ ТАШХИС ВА ДАВОЛАШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚўЛЛАШ

Ўзбекистон урологлари IV Съездининг бош мавзусига айланди

Бугунги кунда қайси бир тиббиёт муассасасида бўлмалик, бинологларнинг замонавий тарзда қад кўтарганлиги, давр талабига жавоб бера оладиган ташхислаш ҳамда даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланганлиги, беморлар учун яратилган шароитларнинг мавжудлиги, юқори малакали кадрларнинг сифатли тиббий хизматини кўриб, юртимиз тиббиётининг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнига эга эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Айниқса, ислохотлар жараёнида босқичма-босқич амалга оширилаётган фаолиятлар қўламнинг

кенглиги соҳанинг ҳар бир йўналишида ўз ифодасини топапти. Жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, бирламчи тиббий хизмат, шошилинч тиббий ёрдам, скрининг марказлари, эпидемиологик барқарорлик, шунингдек, кадрлар салоҳиятини ошириш борасидаги ишларга янада катта эътибор қаратилиб, юқори кўрсаткичларга эришилмоқда. Таъкидлаш муҳимки, давлатимиз томонидан аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматни такомиллаштириш ва унинг сифатини кўтаришга қаратилган эътибор ҳам бундан мустасно эмас.

залар қилиниб, мазкур касалликларнинг, шунингдек, сийдик-тош касаллиги қайталанишининг олдини олиш бўйича асосий фикрлар ўртага ташланди. Шу ўринда айтмоқчиманки, юртингизда ёш олимларга қаратилаётган эътибор, уларнинг изланишларига яратиб берилаётган кенг имконият анжуман давомида яққол намоён бўлди. Шунингдек, анжуман доирасида соҳа мутахассислари учун долзарб бўлган сийдик-тош

дик десам ҳам бўлади. Кенг аудиторияда ўтказилган съезде буйрак ва сийдик-тош касалликларига оид мавзулар кенг қамраб олинди, тиббиёт олимлари, шунингдек, айни кунда изланиш олиб бораётган ёш олимларнинг бу борадаги мавзулари анжуман асосини ташкил этди. Шу билан бирга унинг доирасида сийдик-тош касаллиги ва уроонкология муаммоларига бағиш-



Маълумки, 2003 йилдан бошлаб, хирургия, урология, офтальмология ва кардиология ихтисослаштирилган марказларининг ташкил этилганлиги айни пайтда халқимизга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатишда муҳим омил бўлмоқда. Шунингдек, турли йўналишлар бўйича 6 та ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларининг янги мақом асосидаги фаолиятлари ҳам ушбу

риллаётган ютуқли натижалар хусусида тўхталди. Шунингдек, Республика ихтисослаштирилган урология марказининг 10 йиллик юбилеи муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирининг табригини ўқиб эшиттирди. Анжуманда мамлакатимиз мутахассислари билан бир қаторда Голландия, Германия, Испания, Туркия, Руминия ва бир қанча хорижий давлатлардан таниқли олимлар иштирок этишди.

тақиллик йиллари марказда беморларни буйраклар ва сийдик йўлларидаги тошлардан халос этиш борасида дунёдаги деярли барча замонавий технологиялар татбиқ этилди. Улар одатдаги аънавий жарроҳлик муолажалари, эндоскопик операцияларнинг барча турлари, шу қаторда ретроперитонеоскопик ва лапароскопик ҳамда тошни масофадан туриб майдалаш усуллари. Тошларни олишда замонавий, кам зарар етказувчи усулларнинг кенг қўлланиши сийдик-тош касаллигининг очик жарроҳлик операциялари сонини 15 фоизгача камайтиришга имкон берди. Бу албатта, жаҳондаги энг яхши кўрсаткичлар ҳисобланади. Биргина мисол: клиникамизда 2012 йилда 26 минг 400 киши даволанди. 8 мингга яқин операциялар амалга оширилган бўлса, уларнинг 60 фоиздан кўпроги юқори технологик усуллар қаторига кирди. Эришилган ютуқлар қатори яна шунга айтиб ўтишимиз жойинки, 2006 йилда Урганч шаҳрида энг замонавий ташхислаш ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган Республика ихтисослаштирилган урология маркази филиали ташкил этилиб, у ҳам замон талабига жавоб бера оладиган аппаратуралар, тажрибали мутахассислар билан таъминланди. Бўлиб ўтган мазкур съездимизда асосан буйрак ва пешоб йўллари касалликлари бўйича мамлакатимиз олимлари ҳамда хорижий ҳамкасбларимиз томонидан маърузалар қилинди. Анжуманнинг асосий мақсадларидан бири, яъни нафақат мамлакатимизда, балки дунё бўйича сийдик-тош касаллигининг қайталанишини олдини олишга қаратилди.



касаллиги ва уроонкология муаммоларига бағишланган IV Европа урологлари мактабининг ташкил этилганлиги ҳам соҳадаги замонавий жаҳон ютуқлари билан танишишимизга катта имкон берди.

Р. СИЕНЕР,
Европа Урологлари
Ассоциацияси аъзоси:

– Бўлиб ўтган Ўзбекистон урологларининг навбатдаги IV

ланган IV Европа урологлари мактаби ҳам иш олиб борди. Унда мутахассислар бутун дунёда сийдик-тош касаллиги қайталанишининг олдини олиш муаммолари хусусида ўзаро фикрлашдилар. Республика ихтисослаштирилган урология маркази фаолиятлари билан яқиндан танишдим. Марказдаги замонавий аппаратураларда иш олиб бораётган



кенг миқёсли дастурни амалга оширишнинг навбатдаги босқичи бўлди.

Замонавий ташхислаш ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали кадрлар билан таъминланган Республика ихтисослаштирилган урология маркази Марказий Осиё ҳудудида етакчи клиникалардан бири ҳисобланади. Мазкур клиника аҳолига мамлакатимизда муваффақиятли татбиқ этилган энг янги технологиялар асосидаги замонавий тиббий хизматларни кўрсатиб келмоқда. Ва марказ фаолияти барча хорижий давлатларнинг соҳа мутахассислари томонидан эътироф этилаётганлигига куни кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон урологларининг IV Съездида гувоҳи бўлдик.

Анжумани Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари С. Сайдалиев очиб, мамлакатимизда урология соҳасида амалга оши-

Фарҳод ОКИЛОВ,
Республика
ихтисослаштирилган
урология маркази
директори, профессор:

– Марказимиз юртимиздаги етакчи илмий-тадқиқот, даволаш ва таълим маркази ҳисобланиб, халқимизга юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий, консультатив ва ташкилий-услубий ёрдам кўрсатади ҳамда республикада урологик хизматни ривожлантиришда стратегик йўналишни белгилайди. Шу ўринда айтмоқчиманки, урологик касалликларни ташхислаш ва даволашда Европа тавсияномалари асосида ташкил этилган стандартлар марказимиз фаолиятига татбиқ қилинган. Худди шу йўсинда, вилоят, шаҳар ва туман урологик бўлиmlари учун уларнинг юқори технологик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганлигини ҳисобга олган ҳолда урологик касалликларни ташхислаш ва даволаш стандартлари ишлаб чиқилган. Мус-

К. САРИКА,
Европа Урологлари
Ассоциацияси гуруҳ раҳбари:

– Республика ихтисослаштирилган урология маркази фаолияти билан танишар эканман, бу йўналишдаги ишлар, эришилган ютуқлар, соҳага татбиқ этилаётган янгиликлар мени ниҳоятда қувонтирди. Бунинг яна бир исботи сифатида айтмоқчиманки, энг сўнгги русумдаги аппаратураларнинг мавжудлиги, унинг инсонлар саломатлигини сақлашда кенг қўлланилаётганлиги, айниқса, юқори малакали урологларнинг илмий-амалий ёндашувлари, ҳамкорлик доирасидаги икки томонлама тажриба алмашувлари юртингизда тиббиёт тизими ривожланиб, жаҳонга юз тутаётганлигидан далолат бериб турибди. Кенг аудиторияда ташкил этилган Ўзбекистон урологларининг IV Съездида буйрак ва сийдик-тош касаллиги бўйича асосий маъруз-



Съездида иштирок этганлигимдан мамнунман. Айниқса, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, самимийлиги ва меҳнатсеварлиги бизни ўзига ром этди. Бундан ташқари, шаҳарнинг бетакрор гўзаллиги, ободлиги, тарихий обидаларга бойлиги ҳам диққатимизни тортди. Юртингизда тиббиёт тизимидаги ҳамкорлик шарафининг тўғри йўлга қўйилганлиги ҳам мазкур анжуманда ўз ифодасини топди десам, янглишмайман. Чунки, ўзбекистонлик урологлар билан биргаликда хорижий давлатлардан ташриф буюрган мутахассислар ҳамкорликда долзарб мавзу доирасида ўзаро фикр алмашиб, муайян мақсадларни белгилаб ол-

юқори малакали мутахассисларнинг билим ва тажрибасига ҳавас қилса арзийди. Чунки, ўтган давр мобайнида марказ жамоаси ютуқли натижаларга эришиб, сийдик йўлларидаги тошларни олишда замонавий, кам зарар етказувчи усуллар кенг қўлланилиши ушбу касалликни даволашда очик хирургик операциялар сонини 15 фоизга камайтиришга имкон берган. Албатта бу жаҳондаги энг яхши кўрсаткичларга тўғри келади. Аҳолига кўрсатилаётган бу каби қўлайликлар ўзбекистонлик тиббиётчиларнинг дунё янгиликлари билан ҳам-оҳанг тарзда иш олиб бораётганликларидан далолатдир.

Ўзбекистон урологларининг IV Съезди ўз ишига яқун ясар экан, юқоридаги фикрларга хулоса қилиб айтиш мумкинки, юртимизда урология соҳасида эришилаётган ютуқлар асосан юртимиз тиббиёт фани тараққиёти янада юксалиб бораётганлигидан далолатдир.

Ибодат СОАТОВА.

Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.

Ислохот одимлари

ФАОЛИЯТДАГИ САМАРАДОРЛИК

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш, аҳоли саломатлиги, айниқса, оналик ва болаликни муҳофазалашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базаси ҳам мустақамланаётир.

– Вилоятда 360 давлат тасаруфидоги тиббиёт муассасаси фаолият кўрсатмоқда, – дейди Наманган вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи **Неъматулла Қирғизбоев**. – Уларнинг бино ва иншоотларини таъмирлаш, реконструкция қилиш, янгиларини қуриш ва моддий-техник базасини мустақамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Саломатлик-3”

лойиҳаси доирасида Наманган, Тўрақўрғон, Мингбулок, Поп, Уйчи, Учқўрғон, Чуст, Чортоқ, Норин, Косонсой, Янгиқўрғон туманлари тиббиёт бирлашмалари ҳамда туман кўп тармоқли марказий поликлиникалари, шунингдек, Наманган шаҳридаги 11 оилавий поликлиника мукамал таъмирдан чиқарилди. “Обод турмуш йили”да виллоятдаги 6 та даволаш-профилактика муассасаси-

ни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, айни пайтда бу ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Даволаш-профилактика ишларининг сифат ва самарадорлигини оширишда соҳага илғор технологияларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Республика шохилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Наманган филиали замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган. Бу аҳолига намунали тиббий хизмат кўрсатиш, касалликларни эрта аниқлаш ва аниқ ташхис қилишда муҳим омил бўлмоқда. Марказда даволаш-профилакти-



ка амалиётларини қўллаш имконияти ҳам ортмоқда. Ўтган даврда бу борада юздан зиёд янги ди-

агностика ва даволаш усуллари амалиётга татбиқ этилди. **Ўз мухбиримиз.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгаши маълум қилади

Тиббий фаолиятни лицензиялаш кенгашининг 2013 йил 30 сентябрдаги 13-сонли қарорига асосан ғз аризасига кўра лицензиянинг амал иилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати

Тиббий фаолиятни лицензиялаш кенгашининг 2013 йил 29 октябрдаги 14-сонли қарорига асосан ўз аризасига кўра лицензиянинг амал қилиши тугатилган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами
1	Тошкент шаҳри	Миробод тумани, Мунис кўчаси, 68-уй, 1-хонадан	"MAMUNA-INDUS-SERVIS" хусусий корхонаси	Ю-0056 30.09.2008 й. берилган
2	Тошкент шаҳри	Шайхонтоҳур тумани, F.Ғулом кўчаси, 3-уй	"TSENTR ULTROZVUKOVY I MAGNITNO REZONANSNYI DIAGNOSTIKI" МЧК	ПКО-0075 28.10.2010 й. берилган
3	Тошкент шаҳри	Сергели тумани, Қўйлик, 6-мавзеа, 15-уй	"DILORZU TIBBIYOT" МЧК	Ю-0658 27.07.2010 й. берилган
4	Тошкент шаҳри	Юнусобод тумани, Юнусобод 4-мавзеаси, 1-уй	"SHOIRA DENT-SERVIS" хусусий корхонаси	Ю-0271 14.10.2009 й. берилган
5	Тошкент вилояти	Янгийўл шаҳри, О.Қўрғон кўчаси, 25-уй	"SHAKRIZODA BURDONI TIBBIYOT" хусусий фирмаси	0725-01 29.06.2012 й. берилган
6	Сардаёв вилояти	Гўлистон шаҳри, Ўзбекистон алоҳида, 193-уй	"AZIZA LOH-SERVIS" хусусий корхонаси	Ю-0549 30.04.2010 й. берилган
7	Қашқадарё вилояти	Қосон тумани, Саривул маҳалласи, Ш.Рашидов кўчаси, 67-уй	"Фирдаус Муслимова Гарифона" стоматология қабилотаси	1363-00 30.05.2012 й. берилган
8	Қашқадарё вилояти	Шохрисабз шаҳри, Илҳам йўли кўчаси, 103-В уй	"Жўра Элбоев" фирмаси	0215-01 04.05.2012 й. берилган
9	Қашқадарё вилояти	Қарам тумани, Хонобод ҚФЙ, Мустаниллик кўчаси	"КЛОСС-МЕД ГЛОБАЛ" хусусий корхонаси	Ю-0462 27.02.2010 й. берилган
10	Самарқанд вилояти	Каттақўрғон шаҳри, Д.Ишбеков кўчаси, 120-уй	"ДОКТОР ИСМОИЛОВ-ВА КО" хусусий корхонаси	Ю-0050 30.09.2008 й. берилган
11	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри, Қадричар кўчаси, 6-А уй	"AZHA MEDIK MED" МЧК	0049-02 30.05.2012 й. берилган
12	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 132-уй, 2-хонадан	"DENTA RIZONA" хусусий корхонаси	Ю-0706 29.08.2010 й. берилган
13	Фарғона вилояти	Қўйон шаҳри, А.Навоий мавзеаси, 8-уй, 7-хонадан	"BEK-ORTOPEDIYA" МЧК	Ю-1175 30.01.2012 й. берилган
14	Фарғона вилояти	Марғилон шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 3-уй, 31-хонадан	"Анна Сергеевна" хусусий корхонаси	Ю-0230 14.10.2009 й. берилган
15	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 82-А уй, 31-хонадан	"ФАР ШИФО ДЕНТ" хусусий корхонаси	Ю-0066 31.10.2008 й. берилган
16	Андажон вилояти	Андажон шаҳри, 1-тоғ 3-бери, А.Дониш кўчаси, 28-уй	"ХАНИФА МЕД СЕРВИС" хусусий корхонаси	Ю-0041 30.09.2008 й. берилган
17	Андажон вилояти	Шайхон шаҳри, Терастаги МФЙ, Бобур кўчасида	"ШИФОКОР" МЧК	ПКО-3608 01.11.2011 й. берилган
18	Андажон вилояти	Палтабод тумани, Мадания ҚФЙ, Сағдат МФЙ ўрмонида	"NE'MATILLO SHIFO" хусусий корхонаси	Ю-0118 23.06.2009 й. берилган
19	Хоразм вилояти	Урганч шаҳри, 4-даво, 34-уй, 2-хонадан	"SELBI MEKHRI SHIFO" хусусий корхонаси	Ю-0650 30.04.2010 й. берилган
20	Тошкент шаҳри	М.Улуғбек тумани, Мустаниллик кўчаси, 66-А уй	"SADAFKOM" МЧК	ПКО-3467 24.08.2009 й. берилган
21	Тошкент шаҳри	Жеңсарой тумани, Бобур кўчаси, 3-уй, 22-хонадан	"ENIGMA DENT" МЧК	5818-тиб 31.08.2006 й. берилган
22	Тошкент шаҳри	М.Улуғбек тумани, Булак Илҳам йўли кўчаси, 105-А уй	"TSA-PRAGMA" МЧК	ПКО-6331 27.02.2009 й. берилган
23	Жиззах вилояти	Жиззах шаҳри, Марангит маҳалласи, К.Сағдатидинов кўчаси, 29-уй	"KARIMA" хусусий фирмаси	ПКО-2992 30.09.2008 й. берилган
24	Фарғона вилояти	Марғилон шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси, 69-уй, 61-хонадан	"Қасимов Соҳибжон" хусусий корхонаси	5844-тиб 24.01.2007 й. берилган
25	Андажон вилояти	Андажон шаҳри, М.Охунев кўчаси, 46-уй	"ЕЛКИН МЕДСЕРВИС" МЧК	ПКО-5480 24.08.2009 й. берилган
26	Андажон вилояти	Андажон шаҳри, 7-тоғ Мақсудов кўчаси, 39-уй	"НИНА-СЕРВИС" кўп тармоқли корхонаси	ПКО-3743 14.10.2009 й. берилган

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами
1	Тошкент шаҳри	Самарқанд тумани, Қора-Қамал кўчаси, 8-уй	"КОНТАКТ ЛИНЗАЛАР" МЧК	ПКО-2682 24.05.2011 й. берилган
2	Тошкент шаҳри	Сергели тумани, Сергели 8-А-мавзеа, 11-уй, 2-хонадан	"SHAMZON MEDICAL" МЧК	ПКО-0365 29.08.2011 й. берилган
3	Тошкент шаҳри	Чиланзор тумани, Ц.мавзеаси, Мера кўчаси, 25-26-уй	"ТАОР-ТИББИЙОТ" хусусий корхонаси	Ю-0687 29.08.2010 й. берилган
4	Тошкент вилояти	Сенгарион тумани, Сенгарион шаҳри, Халмухаммадов кўчаси, 85-уй	"ТИББИЙ КО'РiК" хусусий корхонаси	1287-00 10.04.2012 й. берилган
5	Хоразм вилояти	Урганч тумани, Қоробул қабилоти, Мустаниллик кўчаси, 28-уй	"Хумо (Тона Берено)" хусусий стоматология поликлиникаси	0067-01 03.04.2013 й. берилган
6	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри, Илҳам йўли кўчаси, 50-уй, 2-хонадан	"IMPLANTANT-SERVIS" хусусий корхонаси	Ю-0142 28.07.2009 й. берилган
7	Самарқанд вилояти	Самарқанд шаҳри, М.Улуғбек кўчаси, 105-А уй	"SAM STOMA LUX" МЧК	Ю-0566 31.05.2010 й. берилган
8	Фарғона вилояти	Фарғона шаҳри, 38-сонли Маликова МФЙ, А.Қодирий кўчаси, 18-уй, 17-хонадан	"ФОРТУНА МЕД СЕРВИС" хусусий корхонаси	Ю-0193 24.08.2009 й. берилган
9	Тошкент шаҳри	Юнусобод тумани, 4-мавзеа, А.Дониш кўчаси, 4-уй	"DR ASADOV" хусусий фирмаси	ПКО-3038 05.12.2009 й. берилган
10	Тошкент шаҳри	Шайхонтоҳур тумани, Ал-Қорраий кўчаси, 17-А уй	"BOSTON BMB" МЧК	5829-тиб 17.11.2005 й. берилган
11	Самарқанд вилояти	Палтабод тумани, Жума шаҳри, Зарнаво кўчаси, 1-А уй	"Мақсуд Самарқандий" кўптармоқли шифо тиббиёти савдо фирмаси	5835-тиб 24.01.2007 й. берилган
12	Андажон вилояти	Хонобод шаҳри, Хонобод кўчаси, 11-уй	"БЕРУБОРТИК ШАЙДОС" хусусий корхонаси	ПКО-6394 28.11.2008 й. берилган

Хўжалик судининг ҳал қилув қарорига асосан амал қилиши вақтинча тўхтатилган юридик шахслар рўйхати

№	Худуд номи	Тиббий фаолият ва почта манзили	Фирмалар номи	Лицензия рақами	Асос
1	Навоий вилояти	Кармана тумани, Жалойир ҚФЙ, Гурда маҳалласида	"ANWARDENT" хусусий корхонаси	Ю-0501 22.03.2010 й. берилган	Навоий вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 16 октябрдаги 21-1307/6455-сонли ҳал қилув қарори

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Лицензиялаш ва нодавлат тиббиёт муассасалари томонидан кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини назорат қилиш бошқармаси маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги нодавлат тиббиёт муассасаларининг фаолиятини назорат қилиш кенгашининг 2013 йил 31 октябрдаги 2-сонли қарорига асосан амал қилиши 10 иш кунига вақтинча тўхтатилган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхати

№	Вилоят, туман (шаҳар) номи	Тадбиркорлик субъекти номи	Текширув тури
1.	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри	"SAM ULIBKA DENTA" хусусий корхонаси	Режалар
2.	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри	"SANJAR STOMA-SERVIS" масъулияти чекланган жамияти	Режалар
3.	Наманган вилояти, Наманган шаҳри	"ARITMOLOG" хусусий корхонаси	Режалар

Обуна — 2014

Хурматли муштарийлар!
«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетасига 2014 йил учун обуна мавсуми давом этмоқда.
Республика тиббиёт тизимида амалга

оширилаётган ижобий ишлар ҳамда ҳамкасбларнинг тажрибаси билан танишгани, шунингдек, тиббиёт янгилекларидан хабардор бўлишни истасангиз, сеvimли газетангизга обуна бўлишни унутманг!
Нашр индекси: 128.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика Аҳоли репродуктив саломатлик маркази директори Маҳмуда Каттахўжаевага турмуш ўртоғи
Эргаш КАТТАХЎЖАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



ЎЗБЕКИСТОН СОГ'ЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

*Халқимиз саломатлиги йўлида
фидокорона меҳнат қилаётган
юртимиздаги тиббиёт ходимларини
касб байрамлари билан самимий
муҳофазат этади!
Инсонлар саломатлигини муҳофаза
қилишдек шарафли ва
машаққатли ҳамда масъулиятли
ишларинизга омад, ўзинизга соғлиқ-
омонлик, оилавий хопиржамлик ёр
бўлишини тилаб қолади*



Деймиз: “Яхши ҳамки, шифокорлар бор!..”

Дунёда касбу кор, вазифа бисёр,
Не касб бор шарафли, этмасмиз инкор,
Бироқ андуҳ чекиб, бўлганда бемор,
Деймиз: “Яхши ҳамки, шифокорлар бор!”

Балким... йигит билмас, не азоблар бор,
Ёнида парвона ой каби дилдор,
Бир кун тўлғоқ тутиб, қийналса ул ёр,
Дейди: “Яхши ҳамки, шифокорлар бор!”

Бола болдек ширин, гулдек беғубор,
Фарзанд соғлом бўлса, она бахтиёр,

Лекин иссиқ жонда, “инграса” бир бор,
Дейди: “Яхши ҳамки, шифокорлар бор!”

Тиш гавҳар, бермаймиз баъзан эътибор,
Вирус чакиради, кариес “маккор!”
Оғриси “жон шу” – деб чопамиз икром,
Деймиз: “Яхши ҳамки, шифокорлар бор!”

Бесабаб бир сатр ёзмас Гулбахор,
Унга ҳам хасталик чанг солган, кўп бор,
Аллоҳга шукрона келтириб минг бор,
Дейди: “Яхши ҳамки, шифокорлар бор!”

Гулбахор ФИЁСОВА,
Кашқадарё вилояти.

Инвестиция дастури амалда



ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЭРТАСИНИ КЎЗЛАБ

Қорақалпоғистон Республикасида “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш мақсадида даволаш масканларининг биноларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва мукамал таъмирлаш, замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Жумладан Инвестиция дастури асосида янгидан қад кўтарган Онкология диспансерининг ўзига хос бунёд этилганлиги аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, шунингдек, янги технологияларда тўғри ташхис қўйиш, бунинг баробарида юқори малакали мутахассисларнинг бой тажрибаси касалликларни даволаш, олдини олишда муҳим аҳамият касб этиши табиий.

– Дарҳақиқат, бугун биз мамлакатимиз тиббиёти қанчалик юксалганлигини ва халқимиз саломатлиги йўлида қилинаётган эзгу ишлар кенг кўламда олиб борилаётганлигини кўриб, давлатимизнинг бундай ғамхўрлигидан мамнун бўлмоқдамиз. Соҳадаги бундай туб ўзгаришлар босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларнинг ёрқин ифодасидир. Бу каби шароитлар ҳар бир тиббиёт ходимини янада масъулият билан ишлашга, янги технологиялардан самарали фойдаланишга ва халқимизга астойдил хизмат қилишга ундайди, – дейди Онкология диспансери шифокори Сарбиназ Сабурова.



– Президентимизнинг тиббиёт ходимлари меҳнатини қўллаб-қувватлашлари натижасида ишимиз янада равнақ топмоқда. Жумладан, фаолият билан бирга турли кўриктанловларнинг ташкил этилаётганлиги, мунтазам равишда ўқув семинарлар ва узлуксиз таълим жараёнларининг олиб борилиши, қолаверса, хорижий давлатларда бўлиб, тажриба кўламларни бойитиш – бу кадрлар масаласига қаратилаётган эътибордир. Истиқлолимиз шарофати билан яратилаётган бундай имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз, – дейди Онкология диспансери ҳамшираси Гулсара Раманова.

Диёра БОЗОРОВА.
Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган суратлар.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот
агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни
рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 5721 нусха.
Буюртма Г-1145.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚҶШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

